

## МИЛЛИЙ ИҚТИСОДИЁТДА МУЛКЧИЛИК МУНОСАБАТЛАРИ КАПИТАЛЛАШУВИНИНГ САМАРАЛИ АМАЛ ҚИЛИШINI ТАЪМИНЛАШ ИСТИҚБОЛЛАРИ

*Норбоев Одил Абраевич*

*Иқтисодиёт назарияси кафедраси доценти,*

*Эл.почта: [odilnorboyev75@gmail.com](mailto:odilnorboyev75@gmail.com)*

*Тел. +99890-955-83-75*

**Аннотация.** Ушбу мақолада мулкчилик муносабатлари капиталлашувининг самарали амал қилишини таъминлаш истиқболлари ва амалий чораларини таҳлил қилган ҳолда, мулкчий ҳуқуқларнинг ҳимоясини кучайтириш, янгиликларни қабул қилиш, янги замонавий технологиялар ва малакали кадрларни кўпайтириб бориш, мулкдан фойдаланишини такомиллаштириш, инвестицион лойиҳаларни самарали амалга ошириш, инновацияларни ўстириш зарур бўлиб бу борасида иқтисодчи олимлар қарашлари билан боғлиқ бўлган масалалар ёритиб берилган.

**Калит сўзлар:** Мулк капиталлашуви, иқтисодий жиҳатлари, ривожлантириш самарадорлиги, мулкчий хилма-хилликни таъминлаш, мулкдан самарали фойдаланиш, замонавий технологиялар ва малакали кадрларни кўпайтириш.

### КИРИШ

Миллий иқтисодиётни ривожлантириш ва барқарор ўсишини таъминлашда мулкчилик муносабатлари капиталлашувининг самарали амал қилиши муҳим аҳамият касб этади. Замонавий бозор иқтисодиёти шароитида мулкчилик шакллариининг диверсификацияси, хусусий мулкчиликнинг мустаҳкамланиши ва инвестиция муҳитининг яхшиланиши иқтисодий ўсишнинг асосий омилларидан бири ҳисобланади.

Капиталлашув жараёнида мулк ҳуқуқларининг кафолатланиши, молиявий ва моддий активларнинг бозор айланмасига жалб этилиши, инновацион ва технологик тараққиётга кўмаклашувчи механизмларнинг шаклланиши муҳим ўрин тутди. Бунда самарали мулкчилик муносабатлари иқтисодий барқарорликни мустаҳкамлаш, ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш ва тадбиркорлик фаоллигини рағбатлантириш имконини беради.

Шу нуқтаи назардан, мазкур тадқиқот миллий иқтисодиётда мулкчилик муносабатлари капиталлашувининг самарали амал қилишига таъсир этувчи омилларни таҳлил қилиш, мавжуд муаммолар ва истиқболли ечимларни аниқлашга қаратилган.

**Адабиётлар таҳлили.** Ўзбекистон Президенти Ш.М.Мирзиёев ўзининг “Янги Ўзбекистон стратегияси” асарида “Янги Ўзбекистон – кенг иқтисодий имкониятлар мамлакатидир. Иқтисодий сиёсатимизнинг асосий тамойилларидан бири – ҳар бир фуқаро бой бўлса – давлат бой бўлади, ҳар бир оила фаровон бўлса – мамлакат фаровон бўлади” деб таъкидлаган [1]. Бу йўлда учта ўзаро боғлиқ вазифани ҳал этиш тўғрисида гапириш мумкин: булар иқтисодий, ижтимоий ва сиёсий масалалар. Иқтисодий маънода ўзига тегишли мулкдан иқтисодий жиҳатдан самарали фойдаланишга қодир бўлган кишилар мулкдорлар бўлиши мумкин. Самарали мулкдор ўзига тегишли мулкни бозор механизмларидан фойдаланган ҳолда ошириб боради. Мулкчилик муносабатлари капиталлашувининг самарали амал қилишини таъминлаш

истикболларига мамлакатимиз олимлари ва чет эл тадқиқотчи олимлар ҳам ушбу муаммони ечимига ўз ҳиссаларини қўшмоқда. Жаҳон миқёсида Карл Маркс – мулкчилик муносабатлари ва капиталнинг жамиятдаги роли ҳақида чуқур тадқиқотлар олиб борган.[3]. Макс Вебер – иқтисодий капиталлашув ва мулкчилик муносабатлари билан боғлиқ ижтимоий таъсирлар ҳақида ишлаган.[4].Адам Смит – хусусий мулкчилик ва капиталлашув жараёнларининг иқтисодиётдаги роли ҳақида назарий асосларни ишлаб чиққан.[5].Джон Мейнард Кейнс – капитал ва мулкчилик муносабатларининг макроиқтисодий жараёнларга таъсирини ўрганган.[6].Дуглас Норт – мулк ҳуқуқлари ва уларнинг иқтисодий ривожланишдаги аҳамиятини тадқиқ қилган. [7].Ўзбекистон ва МДХ олимлари Кичик тадбиркорлик фаолиятининг иқтисодиёт тармоқларидаги самарадорлигини ошириш йўллари ва уни ривожлантиришнинг ижтимоий-иқтисодий муаммолари Ҳ.П.Абулқосимов [8] илмий тадқиқотларида кўриб чиқилган. Кичик бизнес ва тадбиркорликни ривожланиш тенденцияларини моделлаштириш ва башоратлаш масалалари Б.Ю.Ходиев [9], тадқиқотларида кўриб чиқилган. Мулк капиталлашуви амал қилишининг асосий тамойиллари О.Норбоев [10], мақоласида ҳам таҳлил қилинган. Шунингдек У.В.Гафуров[11],ўз тадқиқотида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари фаолиятини давлат томонидан қўллаб-қувватлашни такомиллаштириш масалаларига эътибор қаратган.

**Тадқиқот методологияси.** Ушбу тадқиқотда асосий илмий-назарий қоидаларни ишлаб чиқишда илмий абстракциялаш, таҳлил ва синтез, индукция ва дедукция, статистик гуруҳлаш, монографик тадқиқ этиш, таққослаш каби илмий тадқиқот усулларидадан фойдаланилган.

## ТАҲЛИЛ ВА НАТИЖАЛАР

Биз тадқиқот ишимизнинг олдинги ўринларида мулкдан самарали фойдаланиш имконини берувчи айрим жараёнлар ва чора-тадбирларни амалга ошириш масалаларига тўхталиб ўтдик. Бироқ, шунинг эътиборда тутиш лозимки, мулкчилик иқтисодий реализациясининг самарали фаолиятини таъминлашнинг комплекс тизимини ишлаб чиқмасдан бу борадаги сезиларли натижаларга эришиб бўлмайди.

Бунга мисол тариқасида таъкидлаш лозимки, мамлакатимизни иқтисодий ривожлантиришда ижобий натижаларга эришилганига қарамай, айрим мулкдорларнинг қурилиши тугалланмаган объектлар ва фойдаланилмаётган ишлаб чиқариш майдонларидан самарали фойдалана олишга ноқобиллиги сабабли ҳамон уларнинг сони анча миқдорда сақланиб қолмоқда.

Шу билан бирга, янги ишлаб чиқаришлар ва иш жойлари яратишни хоҳловчи тадбиркорлар бунинг учун зарур ишлаб чиқариш биноларини харид қилишда кўпинча қийинчиликларга дуч келмоқдалар.

Қурилиши тугалланмаган объектлардан ва фойдаланилмаётган ишлаб чиқариш майдонларидан самарали ҳамда оқилона фойдаланиш, зарур инвестициялар киритиш, замонавий ишлаб чиқаришларни ташкил этиш, янги иш жойлари барпо этиш учун қулай шарт-шароитлар яратиш мақсадида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 23 февралдаги ПҚ-2796-сонли “Тадбиркорларнинг ишлаб чиқариш майдонларидан фойдаланишларини янада рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” Қарори қабул қилинди.

Қарорга биноан илгари хусусийлаштирилган қурилиши тугалланмаган объектларни ва фойдаланилмаётган ишлаб чиқариш майдонларини хўжалик фаолиятига тезкорлик билан жалб этиш механизми жорий этилди

1-жадвал

**Илгари хусусийлаштирилган қурилиши тугалланмаган объектларни ва фойдаланилмаётган ишлаб чиқариш майдонларини хўжалик фаолиятига тезкорлик билан жалб этиш механизми схемаси<sup>53</sup>**

Босқичлар	Чора-тадбирлар	Масъуллар	Муддатлар
<b>I босқич. Қурилиши тугалланмаган объектларни ва фойдаланилмаётган ишлаб чиқариш майдонлари мезонларига мувофиқ келувчи объектлари рўyxатини шакллантириш</b>			
1	Хусусийлаштирилган ташкилотлар ва кўчмас мулк объектларининг рўyxатини шакллантириш ва уларни Ергеодескадастр давлат қўмитаси органларига, юридик шахсининг давлат рўyxатидан ўтган жойи бўйича туман (шаҳар) солиқ инспекцияларига, туман (шаҳар) статистика бўлимларига, шунингдек, Марказий банкнинг бош ҳудудий бошқармаларига юбориш	Ишчи орган	доимий
2	Ишчи органга маълумотлар тақдим этиш: илгари хусусийлаштирилган объектлар мулкдорлари, уларнинг бир ҳуқуқий эгадан бошқасига ўтиши тўғрисида; сўнги ҳисобот йилида ишлаб чиқариш ҳажмлари пасайган юридик шахслар тўғрисида; 12 ой муддатида банк ҳисоб рақамлари бўйича пул операцияларини ўтказиш билан боғлиқ молиявий-хўжалик фаолиятини амалга оширмаган юридик шахслар тўғрисида; сўнги 12 ой мобайнида фаолият амалга оширмаган юридик шахслар тўғрисида.	Туман (шаҳар) Ергеодескадастр давлат қўмитаси органлари, туман ва шаҳарлар давлат статистикаси бўлимлари, хизмат кўрсатувчи тижорат банклари, туман (шаҳар) давлат солиқ инспекциялари	рўyxатни олгандан кейин 5 кун муддат ичида

<sup>53</sup>Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 23 февралдаги ПҚ-2796-сонли қарорига 1-илова.

3	Олинган маълумотлар асосида Идоралараро комиссияга илгари хусусийлаштирилган объектлар ва уларнинг мулкдорлари рўйхатини киритиш.	Ишчи орган	маълумотни олгандан кейин 3 кун муддат ичида
4	Объектларни қурилиши тугалланмаган объектлар ва фойдаланилмаётган ишлаб чиқариш майдонлар мезонларига мувофиқ келишини уларнинг жойларига чиқиш орқали ўрганиш.	Комиссия	киритилгандан кейин 10 кун муддат ичида
5	Қурилиши тугалланмаган объектлар ва фойдаланилмаётган ишлаб чиқариш майдонлари рўйхатини тасдиқлаш.	Комиссия	ўрганиш тугагандан кейин 3 кун муддат ичида
6	Тасдиқланган рўйхат асосида қурилиши тугалланмаган объектлар ва фойдаланилмаётган ишлаб чиқариш майдонлари мулкдорлари – юридик ва жисмоний шахсларга 6 ой ичида инвестиция лойиҳасини амалга ошириш тўғрисида хабар юбориш.	Ишчи орган	рўйхат тасдиқлангандан кейин 3 кун муддат ичида
<b>II босқич. Инвестиция лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш ҳамда уларни амалга оширишда кўмаклашиш</b>			
1	Қурилиши тугалланмаган объектлар ва фойдаланилмаётган ишлаб чиқариш майдонлари мулкдорлари билан биргаликда инвестиция лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш.	Комиссия, мулкдорлар, тижорат банклари	10 кун муддат ичида
2	Комиссияга инвестиция лойиҳаларини амалга оширишнинг бориши тўғрисида маълумот киритиш.	Ишчи орган	хар ойнинг 5 санасига қадар
<b>III босқич. Инвестиция лойиҳаси бўйича тегишли чора-тадбирларни амалга оширмаётган мулкдорларга нисбатан солиққа тортиш тартибini ўрнатиш</b>			
1.	6 ой ичида инвестиция лойиҳасини амалга ошириш тўғрисида хабар олгандан кейин 6 ой ичида инвестиция лойиҳасини амалга оширмаган мулкдорлар рўйхатини Комиссияга киритиш.	Ишчи орган	6 ой ўтгандан кейин 3 кун ичида
2.		Комиссия	рўйхат киритилгандан

	Инвестиция лойиҳасини амалга оширилмаганлиги тўғрисида хулоса чиқариш.		кейин 3 кун муддат ичида
3.	Инвестиция лойиҳасини амалга оширмаган мулкдорга, шунингдек, мулкдорнинг давлат рўйхатидан ўтган туман (шаҳар) давлат солиқ инспекцияларига инвестиция лойиҳаси амалга оширилмаганлиги ҳақида хулоса йўллаш.	Ишчи орган	хулоса чиқарилгандан кейин 3 кун муддат ичида
4.	Тўлов бўйича мажбуриятнинг пайдо бўлиши: юридик шахсларда умумўрнатилган тартибда солиқ ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича (агар юридик шахс солиққа тортишнинг соддалаштирилган тартибини қўллаб келган бўлса); юридик ва жисмоний шахсларда мулк солиғи ва ер солиғини икки баравар ставкада тўлаш бўйича.	Инвестиция лойиҳасини амалга оширмаган мулкдорлар	хулоса олгандан бошлаб кейинги ойдан
5.	Инвестиция лойиҳасини амалга оширишнинг бошланганлиги тасдиқланган ҳолатда Идоралараро комиссия томонидан инвестиция лойиҳасини амалга ошириш тўғрисида хулоса чиқариш ва уни мулкдорга, шунингдек, мулкдорнинг давлат рўйхатидан ўтган туман (шаҳар) давлат солиқ инспекцияларига йўллаш.	Комиссия ва ишчи орган	хулоса чиқарилгандан кейин 3 кун муддат ичида

Қорақалпоғистон Республикасида, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида қурилиши тугалланмаган объектлар ва фойдаланилмаётган ишлаб чиқариш майдонларини хатловдан ўтказиш ҳамда аниқлаш бўйича Идоралараро комиссиялар тузилди. Шунингдек, илгари хусусийлаштирилган бинолар, нотузаржой хоналар ва қурилиши тугалланмаган кўчмас мулк объектлари, фойдаланилмаётган ишлаб чиқариш майдонлари, қурилиши тугалланмаган объектлар деган тушунчалар мезонлари белгилаб берилди.



2-жадвал

**Илгари хусусийлаштирилган бинолар, нотураржой хоналар ва қурилиши тугалланмаган кўчмас мулк объектлари, фойдаланилмаётган ишлаб чиқариш майдонлари, қурилиши тугалланмаган объектлар мезонлари**

<p><b>Илгари хусусийлаштирилган бинолар, нотураржой хоналар ва қурилиши тугалланмаган кўчмас мулк объектлари</b></p>	<p><b>Фойдаланилмаётган ишлаб чиқариш майдонлари</b></p>	<p><b>Қурилиши тугалланмаган объектлар</b></p>
<p>Давлат томонидан хусусий мулк қилиб берилган (шу жумладан устав капиталига берилган, сотилган ва бошқа усуллар билан бошқа шахсга берилган) кўчмас мулк объектлари, кейинчалик мулкдорлар ўзгарганидан қатъи назар, илгари хусусийлаштирилган бинолар, нотураржой хоналар ва қурилиши тугалланмаган кўчмас мулк объектлари сифатида эътироф этилади</p>	<p>Илгари хусусийлаштирилган бинолар ва нотураржой хоналари умумий майдонининг 50 фоиздан кўпроғи (бир бино ёки нотураржой хонаси контури доирасида) сўнгги 12 ой мобайнида товарлар ишлаб чиқариш (ишлар бажариш, хизматлар кўрсатиш)да фойдаланилмай келинган бўлса, фойдаланилмаётган ишлаб чиқариш майдонлари сифатида эътироф этилади</p>	<p>Қурилиш лойиҳа-смета ҳужжатида белгиланган норматив муддатларда тугалланмаган, қурилишнинг белгиланган норматив муддати мавжуд бўлмаган тақдирда - қурилиш бошланган санадан бошлаб 24 ой мобайнида қуриб битказилмаган ҳолларда илгари хусусийлаштирилган кўчмас мулк объектлари қурилиши тугалланмаган объектлар сифатида эътироф этилади</p>

Идоралараро комиссия томонидан инвестиция лойиҳаси амалга оширилмаганлиги тўғрисида хулоса чиқарилгандан кейинги ойдан бошлаб:

- юридик шахслар - қурилиши тугалланмаган объектлар ва фойдаланилмаётган ишлаб чиқариш майдонларининг соддалаштирилган солиққа тортиш тартибини қўллаётган мулкдорлари умумўрнатилган тартибдаги солиқлар ҳамда бошқа мажбурий тўловларни тўлашга ўтадилар;

- юридик ва жисмоний шахслар - мулкдорлар ўзларига тегишли қурилиши тугалланмаган объектлар ҳамда фойдаланилмаётган ишлаб чиқариш майдонлари учун мулк ва ер солиқларини икки карра оширилган ставка бўйича тўлайдилар.

Ушбу чоралар қуйидаги мулкдорларга нисбатан қўлланилмайди:

- жами майдони 2 минг квадрат метрдан камроқни ташкил этувчи фойдаланилмаётган ишлаб чиқариш майдонларининг мулкдорларига;

- қонун ҳужжатларида тадбиркорлик субъектларига рухсатнома ҳужжатларини бериш функцияси юкланган давлат органлари ҳамда бошқа ташкилотларнинг айби билан инвестиция лойиҳасини амалга ошира олмаган мулкдорларга;

- қурилиши тугалланмаган объектлар ва фойдаланилмаётган ишлаб чиқариш майдонларини сотиб олган мулкдорларга нисбатан - сотиб олинган санадан бошлаб 12 ой мобайнида;

- қурилиши тугалланмаган объектни ва фойдаланилмаётган ишлаб чиқариш майдонини сотувга қўйган мулкдорларга нисбатан - сотувга қўйилган санадан бошлаб уч ой мобайнида;

- инвестиция лойиҳасини амалга ошира бошлаган мулкдорларга нисбатан - Идоралараро комиссия инвестиция лойиҳаси амалга оширилаётгани тўғрисида хулоса берган санадан кейинги календарь чорагидан бошлаб.


Шунингдек, қарорга биноан илгари хусусийлаштирилган қурилиши тугалланмаган объект ва фойдаланилмаётган ишлаб чиқариш майдони негизида инвестиция лойиҳаси амалга оширилмаган ҳолларда мулк ва ер солиғи навбатдаги ҳисобот йилидан бошлаб икки қарра миқдорда оширилиши ва ҳар бир кейинги ҳисобот йилида икки қарра миқдорда, аммо олти қаррадан кўп бўлмаган ошириб бориш коэффициенти қўлланишидан иборат тартиб ўрнатилди.

Ҳокимликлар фойдаланилмаётган ҳамда мақсадга номувофиқ фойдаланилаётган ер участкаларини олиб қўйишни, бўшаётган ер участкалари захира ерлари тоифасига ўтказилишини таъминлайди.

Тижорат банклари қурилиши тугалланмаган объектлар ва фойдаланилмаётган ишлаб чиқариш майдонлари негизида инвестиция лойиҳаларини амалга ошираётган юридик ва жисмоний шахсларга, шунингдек, ижарачиларга 5 йил муддатгача, имтиёзли даври 12 ой бўлган ва Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг қайта молиялаштириш ставкасидан ошмайдиган ставка бўйича имтиёзли кредитлар беради.

Илгари хусусийлаштирилган қурилиши тугалланмаган объектларни ва фойдаланилмаётган ишлаб чиқариш майдонларини хўжалик фаолиятига

тезкорлик билан жалб этиш механизмида вужудга келувчи иқтисодий муносабатларни қуйидаги чизма орқали ифодалаш мумкин.



**3-жадвал. Фойдаланилмаётган мулк объектларини хўжалик фаолиятига тезкорлик билан жалб этиш механизмида вужудга келувчи иқтисодий муносабатлар<sup>54</sup>.**

Бу ерда:

1 – Хусусийлаштирилган ташкилотлар ва кўчмас мулк объектларининг рўйхатини шакллантириш ва уларни Ергедезкадастр давлат қўмитаси органларига, юридик шахсининг давлат рўйхатидан ўтган жойи бўйича туман (шаҳар) солиқ инспекцияларига, туман (шаҳар) статистика бўлимларига, шунингдек, Марказий банкнинг бош ҳудудий бошқармаларига юбориш.

2 – Ишчи органга илгари хусусийлаштирилган объектлар мулкдорлари, уларнинг бир ҳуқуқий эгадан бошқасига ўтиши тўғрисида; сўнгги ҳисобот йилида ишлаб чиқариш ҳажмлари пасайган юридик шахслар тўғрисида; 12 ой муддатида банк ҳисоб рақамлари бўйича пул операцияларини ўтказиш билан боғлиқ молиявий-хўжалик фаолиятини амалга оширмаган юридик шахслар тўғрисида; сўнгги 12 ой мобайнида фаолият амалга оширмаган юридик шахслар тўғрисида маълумотлар тақдим этиш.

3 – Олинган маълумотлар асосида Идоралараро комиссияга илгари хусусийлаштирилган объектлар ва уларнинг мулкдорлари рўйхатини киритиш.

4 – Объектларни қурилиши тугалланмаган объектлар ва фойдаланилмаётган ишлаб чиқариш майдонлар мезонларига мувофиқ келишини уларнинг жойларига чиқиш орқали ўрганиш.

5 – Тасдиқланган рўйхат асосида қурилиши тугалланмаган объектлар ва фойдаланилмаётган ишлаб чиқариш майдонлари мулкдорлари – юридик ва жисмоний шахсларга 6 ой ичида инвестиция лойиҳасини амалга ошириш тўғрисида хабар юбориш.

<sup>54</sup>Муаллиф ишланмалари асосида тузилган.



6 – Курилиши тугалланмаган объектлар ва фойдаланилмаётган ишлаб чиқариш майдонлари мулкдорлари билан биргаликда инвестиция лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш.

7 – Инвестиция лойиҳасини амалга оширилмаганлиги тўғрисида хулоса чиқариш.

8 – Инвестиция лойиҳасини амалга оширмаган мулкдорга, шунингдек, мулкдорнинг давлат рўйхатидан ўтган туман (шаҳар) давлат солиқ инспекцияларига инвестиция лойиҳаси амалга оширилмаганлиги ҳақида хулоса йўллаш.


Бу юқорида белгиланган чора-тадбирлар қурилиши тугалланмаган объектлардан ва фойдаланилмаётган ишлаб чиқариш майдонларидан самарали ҳамда оқилона фойдаланиш, зарур инвестициялар киритиш, замонавий ишлаб чиқаришларни ташкил этиш, янги иш жойлари барпо этиш учун рағбатлантиради. Бироқ, шу ўринда таъкидлаш лозимки, мазкур механизмда маълум даражада иқтисодий жиҳатдан таъсир дастакларидан фойдаланилсада, улар ўз мазмунига кўра маъмурий тавсиф касб этади. Шунга кўра, фикримизча, бозор тизимида мулкчилик иқтисодий реализацияси самарали фаолиятини таъминлашнинг комплекс тизимини ишлаб чиқиш ва татбиқ этиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Мазкур комплекс тизимни ташкил этишда қуйидаги *асосий тамойилларга* эътибор қаратиш лозим:

1) мулк объектига эгалик қилиш, ундан фойдаланиш ва тасарруф этиш мулкдорнинг тўлиқ иқтисодий манфаатдорлигига асосланиши;

2) мулккий ҳуқуқнинг кенгайтирилган ваколатлари, жумладан, уни сотиш, вақтинчалик фойдаланишдан чиқариш, ижарага бериш ва бошқа ҳуқуқлар эркинлиги таъминланиши;

3) мамлакат ёки унинг алоҳида ҳудудида мулкнинг иқтисодий реализацияси билан боғлиқ шарт-шароит ёки вазият ўзгарган ҳолларда тезлик билан мулк эгалари ва жамиятнинг бошқа аъзолари ўртасидаги мулккий муносабатларнинг янги мувозанатини тиклаш имкониятининг ҳосил қилиниши;



**4-жадвал. Бозор тизимида мулкчилик иқтисодий реализацияси самарали фаолиятини таъминлашнинг комплекс тизими<sup>55</sup>**

4) мулкнинг иқтисодий реализациясининг самарали амалга ошишини таъминловчи бозор воситалари ва дастакларнинг тўлақонли ишлаши учун имконият яратилиши;

5) жамият миқёсида мулкдан самарали фойдаланишни таъминлашнинг билвосита, иқтисодий усулларига устуворлик бериб, бевосита, маъмурий усуллари инкор этиш (ёки минималлаштириш) ва ҳ.к.

Дастлаб мамлакатимиздаги мулкчилик муносабатларининг ҳуқуқий асослари тўғри йўлга қўйиш ҳамда улармулккий ҳуқуқлар учун етарли даражада шароит яратиб беришини таъминлаш муҳим ҳисобланади.

Мулкчилик иқтисодий реализациясининг самарали амал қилиши учун мулкчилик муносабатлари асосий институтлари ва инфратузилмаси каби зарур таркибий қисмларнинг мавжудлиги ва улар фаолиятининг самарадорлигини таъминлаш лозим.

Амалдаги мулкчилик шаклларининг мулк субъектлари манфаатдорлигини таъминлаш нуктаи назаридан тўлиқлиги мазкур жараёнга аҳамиятли таъсир кўрсатади.

<sup>55</sup>Муаллиф ишланмалари асосида тузилган.

Мулкчилик иқтисодий реализациясининг самарали ташкил қилишнинг энг қулай ва ишончли йўли бу борадагихорижий мамлакатлар тажрибасини ўрганиш ва мамлакатимиз учун мақбулини бевосита ёки мослаштирилган ҳолда жорий қилиш ҳисобланади.

Мулкчилик иқтисодий реализациясининг самарали амал қилишини таъминлашда “Тармоқ – ҳудуд” занжирининг узвийлигини таъминлаш муҳим. Яъни, мулкчилик муносабатларининг тармоқ хусусиятлари ва ҳудуд жиҳатдан мансуб ҳолдаги тавсифини тўлиқ эътиборга олган ҳолда ёндшиш мазкур муаммони ижобий ҳал этишга сезиларли таъсир кўрсатади.

Мулкчилик иқтисодий реализациясининг самарали амал қилишини таъминлашда “Натижа” блоки асосий мақсад ҳисобланади. Бунинг аниқ ифодаси мулкдан фойдаланишдан олинган даромад орқали намоён бўлади.

### ХУЛОСА ВА ТАКЛИФЛАР

Хулоса сифатида таъкидлаш мумкинки, бозор тизимида мулкчилик иқтисодий реализацияси самарали фаолиятини таъминлашнинг комплекс тизимини амалиётга жорий этиш мулкдан фойдаланиш самарадорлигини ошириб, ундан олинадиган даромадларни сезиларли даражада ўсишига ва пировардида аҳоли турмуш фаровонлигининг ошишига олиб келади.

Бугунги кунда бозор иқтисодиётининг асосини мулк шакллариининг турли-туманлиги ташкил этади. Чунки, мулк шакллариининг кўплиги иқтисодиётдаги хўжалик юритиш шакллариининг турли-туманлиги ҳамда иқтисодий манфаатларни рўёбга чиқариш йўллариининг хилма-хиллигига имкон яратади. Мулк шакллари қанчалик кўп бўлса, улар ўртасидаги рақобат кураши шу қадар кучли ва, пировардида, ҳар бир мулк шаклининг самарадорлиги шу қадар юқори бўлади.

Мулкчилик иқтисодий реализациясининг самарали фаолиятини таъминлашнинг комплекс тизимини ишлаб чиқмасдан бу борадаги сезиларли натижаларга эришиб бўлмайди. Шунга кўра, бозор тизимида мулкчилик иқтисодий реализацияси самарали фаолиятини таъминлашнинг комплекс тизимини ишлаб чиқиш ва татбиқ этиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Мазкур комплекс тизимни ташкил этишда қуйидаги асосий тамойилларга эътибор қаратиш лозим:

1) мулк объектига эгалик қилиш, ундан фойдаланиш ва тасарруф этиш мулкдорнинг тўлиқ иқтисодий манфаатдорлигига асосланиши;

2) мулккий ҳуқуқнинг кенгайтирилган ваколатлари, жумладан, уни сотиш, вақтинчалик фойдаланишдан чиқариш, ижарага бериш ва бошқа ҳуқуқлар эркинлиги таъминланиши;

3) мамлакат ёки унинг алоҳида ҳудудида мулкнинг иқтисодий реализацияси билан боғлиқ шарт-шароит ёки вазият ўзгарган ҳолларда тезлик билан мулк эгалари ва жамиятнинг бошқа аъзолари ўртасидаги мулккий муносабатларнинг янги мувозанатини тиклаш имкониятининг ҳосил қилиниши;

4) мулкнинг иқтисодий реализациясининг самарали амалга ошишини таъминловчи бозор воситалари ва дастакларнинг тўлақонли ишлаши учун имконият яратилиши;

5) жамият миқёсида мулкдан самарали фойдаланишни таъминлашнинг билвосита, иқтисодий усулларига устуворлик бериб, бевосита, маъмурий усуллари инкор этиш (ёки минималлаштириш) ва ҳ.к.

### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати**

1. Мирзиёев Ш.М. Янги ўзбекистон стратегияси. –Тошкент: “O‘zbekiston” нашриёти, 2021. 464 б.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 11–сентябрь 2023- йилдаги “Ўзбекистон – 2030 стратегияси тўғрисида”ги ПФ-158-сонли Фармони.

3. "Капитал" (Das Kapital, 1867-1894)

4. Ўрмонов. Н., ва бошқалар. Иқтисодий таълимотлар тарихи: Дарслик. – Т.: 2007 й.

5. Раззоқов А., Тошматов Ш., Ўрмонов Н. Иқтисодий таълимотлар тарихи. Дарслик (лотин ёзувида). - Т. “Иқтисод-молия”, 2007. –320 б.б.

6. Раззоқов А . Ўрта осие мутафаккирларининг иқтисодий ғоялари. Ўқув қўлланма. - Т.: ТДИУ, 2009. - 270 б.

7. Эгамов Э., Джуманов Д. Замонавий иқтисодий таълимотлар (маърузалар матни) Тошкент-2010.

8. Абулқосимов Ҳ.П. Ўзбекистонда кичик бизнес соҳасида оилавий тадбиркорликнинг ўрни ва уни ривожлантириш йўллари. Монография. – Т.: Университет.

9. Ходиев Б.Ю. Ўзбекистон иқтисодиётида тадбиркорлик ривожланишини эконометрик моделлаштириш. Дис. иқт. фан. д-ри. - Т., ТДИУ. 2000. - 338 б.

10. Норбоев О. Мулк капиталлашуви амал қилишининг асосий тамойиллари номли мақоласи. Иқтисодиёт: таҳлиллар ва прогнозлар журнали. №3 (27) июл-сентябр 2024 йил 48-54 бет.

11. Гафуров У.В. Кичик бизнесни давлат томонидан тартибга солишнинг иқтисодий механизмларини такомиллаштириш. Дис. иқт. фан. докт. - Т., 2017.